



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 9 июнь, № 113 (6296)

Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 июнь куни Оқсаройда Ислам ҳамкорлик ташкilotи Бош котиби Ияд Амин Маданийни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон эллиқдан ортиқ мамлакат аъзо бўлган ушбу нуфузли халқаро тузилма билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

Ислам ҳамкорлик ташкilotи Бош котиби мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан тараққиётга эришаётганини юқори баҳолади.

Учрашувда таъкидланганидек, Ислам ҳамкорлик ташкilotига 1996 йилда аъзо бўлган Ўзбекистон унинг серкйрра фаолияти ва тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда, жаҳонда ташкilotнинг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ислам ҳамкорлик ташкilotи Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг навбатдаги учрашувини мамлакатимизда ўтказиш ва ташкilotнинг мазкур муҳим институтига 2016 йилда Ўзбекистон раислик қилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкilotи (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши ҳамда “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги нуфузли халқаро конференция ўтказилиши мамлакатимиз билан Ислам ҳамкорлик ташкilotи ўртасидаги алоқалар ривожига муҳим босқич бўлди.

Оқсаройда ўтган учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мустақиллик йилларида болалар ва ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлаш, оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, оналикни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифалари сифатида белгилаб олинди.

## Ижтимоий шериклик

самарали фаолият гаровидир

Юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ташкilotларининг яхлит тизими, миллий манфаатлар, умумэтироф этилган халқаро стандарт ва нормаларга мос қонунчилик базаси яратилди. Ўзбекистон Республикаси МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб 1992 йилда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди, 2008 йилда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди, юздан зиёд фармон ва қарорлар, қатор давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилаётир.

Бугунги кунда оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш миллий модели жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Республикада аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, аёллар, болалар ҳамда ўсмирлар касалиқларига ташхис қўйиш, уларни даволаш ва профилактика қилишнинг замонавий усулларини жорий этишга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда аёллар ва болаларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга нодавлат нотижорат ташкilotлари ҳам қатта ҳисса қўшиб келаётгани эътиборга лойиқ. Бинобарин, улар бу борада давлат ва ҳудудий дастурларни рўёбга чиқариш, шунингдек, мазкур соҳадаги ижтимоий шерикликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш йўлида кенг қамровли тадбирларни амалга ошираётир. Аини жараёнда уларга Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкilotлари миллий ассоциацияси яқиндан қўмақлашмоқда.

Хусусан, ЎзННТМА томонидан 2013 — 2015 йилларда мамлакатимиз ҳудудларида бир қатор тадбирлар, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда нодавлат нотижорат ташкilotларининг 400 дан зиёд вакиллари, шунингдек, соғлиқни сақлаш, меҳнат ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим ва адлия идоралари мутахассислари қатнашди.

Ташкilotчилар фикрига кўра, мазкур тадбирлар ННТ фаолларининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги долзарб масалаларни ечишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни самарали амалга ошириш бўйича касбий билмларини юксалтиришга имконият яратди, давлат органлари ва фуқаролик институтлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, биргаликдаги истиқболли йўналишларни аниқлаб олишга хизмат қилди.

“Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкilotлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг долзарб вазифалари” мавзусида ўтказилган республика давра суҳбати мазкур сайё-ҳаракатларнинг яқини босқичи бўлди.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкilotлари миллий ассоциацияси, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, маҳаллий вакиллик органлари, тегишли вазирлик ва идоралар, республика ва ҳудудий нодавлат нотижорат ташкilotлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этиди.

(Давоми 2-бетда).

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Шу кунларда парламент кўйи палатаси кўмиталарида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йилдаги ва 2015 йил биринчи чорагидаги ижроси яқунлари кўриб чиқилмоқда.

## Фан, таълим, маданият ва спорт ривожини — доимий эътиборда

Хусусан, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши шу мавзуга бағишланди. Унда депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор ислохотларининг босқичма-босқич рўёбга

чиқарилиши натижасида аҳоли турмуш фаровонлиги барқарор равишда юксалиб бораётир. Хусусан, 2014 йилда давлат бюджети харажатларининг 58,8 фоизи ижтимоий соҳага ажратилди. Бунда таълим тизимини янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

### БУНЁДКОРЛИК

Мамлакатимиз темир йўл тизимида амалга оширилаётган лойиҳалар нафақат юк ва йўловчи ташини сифатини юксалтиришга, балки халқимиз турмуш фаровонлиги, юрт равнақига хизмат қилмоқда.

## Довондаги ноёб лойиҳа

“Ангрэн — Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши қизгин давом этмоқда.

Бунга тармоқдан қўллаб қўллаб келтириш мумкин. Жумладан, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК ва Хитойнинг “China Railway Tunnel Group” компанияси томонидан “Ангрэн — Поп” электрлаштирилган темир йўл линиясида бунёд этилаётган туннель ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Умумий узунлиги 123,1 километрни ташкил этувчи мазкур темир йўл линияси дунё миқёсида тоғли ҳудудда амалга оширилаётган лойиҳалар ичида

8-ўринда, туннель эса узунлиги бўйича 13-ўринда туради. Президентимизнинг 2013 йил 18 июндаги “Ангрэн — Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида барпо қилинаётган мазкур электрлаштирилган темир йўл линияси мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тармоғини яратиш имконини бериши билан алоҳида аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

## Атроф-муҳит муҳофазаси ва жамоатчилик назорати

Республикаимизнинг барча ҳудудида “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жойларда жамоатчилик назоратини амалга оширишда аҳоли фаоллигини кучайтиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли” мавзусида семинарлар ўтказилди.

### СЕМИНАР

Мазкур тадбирлар Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари гуруҳи, Экоҳаракат, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ташкил этилган.

Семинарларда депу-

татлар, Экоҳаракат фаоллари, ҳудудлардаги табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари мутахассислари, экология ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкilotлари вакиллари, журналистлар иштирок этиди.

Дарҳақиқат, юртимизда табиат ва унинг

неъматларини асраб-авайлаш, мусаффоликни таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Аини соҳадаги ишлар самарадорлигини ошириш кўзда тутилган семинарларда мавжуд экологик муаммоларни бартафат этиш ҳамда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш масалалари қизгин муҳокама қилинди. Бунда экологик назорат механизмларини амалиётга янада самарали жорий этишда

фуқаролик жамияти институтлари ролинини кучайтириш устувор вазифалардан бири эканига алоҳида ургу берилди. Бинобарин, соҳанинг тегишли қонунчилик асослари, хусусан, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун мазмун-моҳиятини халқимизга чуқур етказиш ва унинг сўзсиз бажарилишига эришиш, бу борада фуқаролик институтлари фаоллигини ошириш долзарб аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Жиззах шаҳридаги калава ип ҳамда газлама тайёрлашга ихтисослаштирилган “Жиззахпластекс” кўшма корхонасида янги тармоқ ишга туширилди.

### Қўшимча тармоққа асос солинди

Яъни бу ерда 5 литр сифимли пластик идишларнинг қопқоқлари ва туткичлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунинг учун Италиядан 2 миллион 200 минг АКШ долларлик замонавий технологик ускуналар келтириб ўрнатилди. Пировардада 15 та қўшимча иш ўрни очилди.

Ишлаб чиқариш жараёни тўлалигича автоматлаштирилган ушбу цехда ҳозир кунига 3 миллион дона маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Тождидин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Олот туманилик Олтибой Ҳасановнинг тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган бизнес-режаси амалга ошди. Тадбиркор юз миллион сўмлик маблағни ушбу мақсад учун йўналтирди.

### Табиий матодан либослар

Хозир буюртмачиларимизга табиий матолардан тайёрланган тўрт турдаги кийим-кечақларни тақлиф қилаёلمиз, — дейди

О. Ҳасанов. — Бизда тиклаётган либосларнинг бичими чиройли. Энг муҳими, улар маҳаллий иқлим шароитимизга мос.

“Шўрчидон-маҳсулотлари” акциядорлик жамиятида банкнинг 7 миллиард 545 миллион сўмлик кредити ҳисобидан кенг кўламли модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди.

### Унумдорлик ошди

Пировардада бу ерда ишлаб чиқарилаётган ун ва ун маҳсулотлари сифати тубдан яхшиланди. — Корхонамиз қуввати деярли 45 фоиз ортиб, кунига 600 тоннагача бугдойни қайта ишлаш йўлга қўйилди, — дейди жамият бошқаруви раиси ўринбосари Бекмирза Ҳўжамкулов. — Янги дастгоҳларнинг яна бир афзаллиги, уларда энергия сарфи жуда кам, самарадорлик эса юқори. Эътиборлиси, ушбу ускуналарни бошқариш ҳам осон.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Зангиота туманининг Кўксарой қишлоғидаги “Class-food-servis” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган қандолат маҳсулотлари хорижда ўтказилган қатор халқаро кўргазмаларнинг олтин медалларига сазовор бўлган.

## Шифобахш ширинликлар

Жамоа томонидан юқори технология асосида ишлаб чиқарилаётган 12 турдаги печенье, 10 хилга яқин шоколадлар таркибида табиий ва шифобахш экстрактларнинг мавжудлиги уларнинг харидорлигини таъминлапти. Бу ерда кунига 5 тоннагача ширинлик тайёрланиб, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда сотилаётгани бунинг тасдиғидир.

— Бир неча йил илгари мўъжазгина цехда иш бошлагандик, — дейди тадбиркор Ф. Раҳматуллаев. — Мамлакатимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити, яратилаётган имконият ва имтиёзлар туфайли маҳсулотларимиз замонавий фабрика шартлоларида тайёрланапти. Жамоамиз ходимлари сафи ҳам 50 кишидан ошди. Шу кунларда шоколад қўйиш цехини хорижий янги технологик линиялари билан қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилапти. Лойиҳа тўлиқ амалга ошган, маҳсулот тури кўпайиб, сифати янада яхшиланди. Шунингдек, 12 та қўшимча иш ўрни юзага келади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



# Довондаги ноёб лойиҳа

### “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши қизгин давом этмоқда.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Лойиҳага кўра, ушбу улкан қурилиш объектида жами 42,9 млн. куб метр тупроқ, 16,3 млн. куб метр бурғилаш-портлатиш ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Шунингдек, мазкур лойиҳа узунлиги 19,1 километр бўлган туннель, 285 та сув ўтказиш ва олтита йўл ўтказгич иншооти, 19 та темир йўл кўприги, олтита станция ва иккита вокзал қурилишини ўз ичига олган.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландида жойлашган “Қамчиқ” домини бўйлаб қурилаётган “Ангрен — Поп” янги электрлаштирилган темир йўл линиясидаги бунёдкорлик ишлари қизгин давом эттирилмоқда. Бугунги кунгача бу ерда 42,9 млн. куб метр тупроқ, 16,2 млн. куб метр бурғилаш-портлатиш ишлари бажарилиб, 280 та сув ўтказиш, олтита йўл ўтказгич иншооти, 12 та кўприк, “Орзу” вокзали, “Қўл”, “Темирйўлбод”, “Қўшминор” станциялари қуриб битказилди. Бунда 4 минг 250 нафардан ортиқ мухассис 720 дан зиёд техника воситалари кучидан унумли фойдаланилаётгани, айниқса, қўл келаётди.

# Фан, таълим, маданият ва спорт ривожини — доимий эътиборда

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Депутатлар томонидан 2014 йилда таълим тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилган кенг қўламли вазифалар қаторида ёш авлоднинг чет тилларни ўрганиши масаласи ҳам муҳокима қилинди, — деди депутат О. Жамолдинова. — Шу маънода, ҳисобот даврида ҳар қандай таълим бўлимида дарсликлар ва ўқув-ўқувчи қўланмалари, мультимедиа иловалари етказиб бериш учун умумтаълим тизимига 6,1 млрд., ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига 1,9 млрд. сўмлик маблағ ажратилгани диққатга сазовор.

Ўз навбатида, таълим муассасаларини жорий таъмирлаш ва техник жиҳозлаш ишлари изчил амалга оширилди. Жумладан, ушбу мақсадлар учун 94,1 млрд. сўм, уларнинг маънавий интеллектларни ўқитиш комплекслари билан таъминлашга 3 млрд. сўм йўналтирилди.

— Мажлисда маданият, спорт ва оммавий ахборот воситалари ривожига йўналтирилган маблағлар манзиллигига алоҳида аҳамият қаратилди, — деди депутат Н. Муратов. — Ўтган йилги ушбу мақсадлар учун 361,5 млрд. сўм сарфланган. Бу 2013 йилдаги нисбатан 25,8 фоиз кўпдир. Бунда ахборот-кутубхона марказлари ва махсус кутубхоналар, музейлар, кўргазмалар ҳамда кўргазма заллари, маданият саройлари ва уйлари саклаш, театрлар, musiqa жамоалари

фаолиятини қўллаб-қувватлаш, спортни янада раванқ топтириш каби масалалар муҳим ўрин тутди.

Илм-фан ривожини 187 млрд. сўм ажратилди. Мазкур кўрсаткич 2013 йилдаги қараганда 13,6 фоиз зиёддир. Ушбу маблағлар кўмағида давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар молиялаштирилди. Шунингдек, ноёб объектлар ва фанга хизмат кўрсатувчи муассасалар, давлат архивларини сақлаш ҳамда соҳага боғлиқ бошқа харажатларга йўналтирилди.

Йиғилишда 2015 йилнинг биринчи чорағида фан, таълим, маданият ва спорт соҳасида ажратилган давлат бюджетни харажатлари ижроси тахлил этилди.

Муҳокамаларда кун тартибидида масала юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, вазирик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет маблағларидан янада самарали ва мақсадли фойдаланишини таъминлаш, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилиши ҳамда Бюджет кодексига талаблари бажарилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш ҳамда уларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш борасида амалий тақлифлар берилди.

Ушбу масалалар бўйича маъсул вазирик ва идоралар вакилларининг ахборотлари эшитилиб, яқунда тегишли қарор қабул қилинди.

С. МАХСУМОВ.

# «Йўл харитаси» дастурлари

Иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларнинг активларидан унумли фойдаланиш, бўш турган иншоотларни салоҳиятли инвесторларга бериш мамакатазимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2014 йил 28 майдаги “Минтақавий аҳамиятга эга бўлган зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича дастурлари — “Йўл хариталари”ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори бу борадаги ишларни жадаллаштиришда муҳим дастурий асос бўлаётди. Негаки, бу ҳужжат асосида ишлаб чиқилган дастурлар туфайли ички бозоримиз янги маҳсулотлар билан тўлдирилиб, аҳоли бандлиги

таъминлини билан бирга, ушбу йўналишдаги мавжуд муаммолар бирин-кетин бартараф этилмоқда.

Қашқадарё вилоятида ўтган бир йил давомида корхоналарнинг ички захираларини жалб қилиш эвазига ушбу дастурга киритилган тўртта корхонага

## 516 миллиард сўмдан зиёд инвестиция жалб этилди.

Бунинг натижасида мазкур субъектларнинг 35 миллиард сўмликдан кўпроқ зарари тўлиқ қопланиб, пировардида 27 миллиард сўмдан ортиқ соф фойда қўрилгани диққатга сазовор.



Айниқса, Муборак туманидаги “Сувоқова” корхонасининг зиёнсиз ишлашини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли унинг хизматларидан фойдаланувчилар сони 110 нафарга кўпайди. Корхонада ор-

# Ижтимоий шериклик

### самарали фаолият гаровидир

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давра суҳбатидида аҳолининг репродуктив саломатлигини янада муҳофазат қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ННТ иштироки самарадорлигини ошириш, шунингдек, мазкур соҳада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини янада кенгайтириш бўйича долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Кайд этилганидек, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари эркин ривожланишининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талаб ва халқроқ стандартларга жавоб берадиган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган. Уларни иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тараққий эттириш бўйича институционал база шакллантирилган. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридида белгилаб берилган чора-тадбирлар бу борада муҳим роль ўйнамоқда. Унга кўра, аёллар ва болаларни қўллаб-қувватлаш жаҳасида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг тегишли органлар рўйхатидан ўтишлари учун кўшимча имтиёزلар ҳамда преференциялар берилди.

Шубҳасиз, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунларнинг кучга кириши мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлиб, улар ННТ фаолиятини такомиллаштириш, имкониятларини кенгайтиришда салмоқли роль ўйнаётди. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш ҳамда уларнинг давлат бош-

қаруви органлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутаты Н. Умарова. — Унинг ижроси доирасида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари шакллантирилмоқда. Мазкур комиссиялар фаолияти оналик ва болаликни муҳофазат қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича социал ва ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни ишлаб чиқиш, шунингдек, ушбу жараёнларни мониторинг қилишга йўналтирилган. Чунончи, пойтахтимизда ННТнинг фаол иштирокида аҳоли репродуктив саломатлиги, тиббий маданиятини ошириш борасида бир қатор ишлар олиб борилаётди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, бугунги кунда оналик ва болаликни муҳофазат қилиш соҳасида тизимли иш олиб борилаётди. Мазкур эзгу интилишлари кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини янада ошириш давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифалардан бўлиб қолаверди. Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги қарори билан тасдиқланган 2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофазат қилиш борасидаги Давлат дастури республикамизда “Соғлом она — соғлом бола” шиори остида кечяётган изчил ислохотларнинг мантӣқий давоми бўлди.

— Мазкур Давлат дастурининг ижросини таъминлашда алоҳида эътибор қаратаямиз, — дейди Соғлиқни сақлаш вазириликнинг Оналик ва болаликни муҳофазат қилиш бўлими бошқармаси бошлиғи С. Исмилов. — Дастур аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофазат қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг ва бир қил

фойдаланишни таъминлаш, ногирон болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашлири учун зарур шарт-шароитлар яратиш, тиббий ёрдам кўрсатишининг барча босқичида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлин муассасаларида кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ушбу йўналишда замонавий инфратузилмин янада ривожлантириш каби вазифалар ижросига йўналтирилган. Шунингдек, аҳолини болалар тарбияси ва парвариши бўйича ўтказилаётган тадбирлар ва дастурларга фаол жалб этиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, соғлом ва аҳил оила қадриятларини тарғиб қилиш кўзда тутилган. Ушбу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, халқроқ ҳамкорларнинг фаол иштирокини таъминлаш муҳимдир.

Тадбирда ННТнинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари давлат томонидан ҳар томонлама ва тизимли равишда қўллаб-қувватланаётганига ургу берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтган даврда давлат бюджети-дан 45 млрд. сўм миқдорда маб-лағ ажратилган. ННТни ривожлантиришга қаратилган сармоя ҳажми 2009 йилда 4 млрд. сўмни ташкил

Тадбир давомида ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларининг оналик ва болаликни муҳофазат қилиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ижтимоий шериклини ривожлантириш бўйича лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди. Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларини 2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофазат қилиш борасидаги Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга кенг жалб этишга доир тақлифлар ишлаб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситиқова сўзга чиқди.

этан бўлса, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 10 млрд. сўмга етди.

— Хотин-қизларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади, — дейди Сурхондарё вилоятидаги “Аёл ва замон” аёллар ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш маркази директори Гулнора Ходжинязова. — Айни чоғда ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш доимий диққат-эътиборимизда. Ўтган йили Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан молиялаштирилган “Соғ танда — соғлом аёл” лойиҳасини амалга оширдик. Унинг самарали амалга оширилиши мактаб ўқувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзига риоя этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш афзалликларини кенг тушуниришга туртки бўлди. Лойиҳа доирасида турли спорт марафонлари, иншоолар танлови ўтказилди. Турли соҳаларда катта ютуқларга эришаётган ёшлар билан урчушулар ташкил этилди. Албатта, бунда ҳудудимиздаги таълим муассасалари, хотин-қизлар қўмитаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси вилоят бўлими катта ёрдам берганини алоҳида айтишни истардим. Келгусида ижтимоий шериклик асосида оналар ва болалар соғлигини муҳофазат қилишга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга таъбиқ этишни режалаштираямиз. Бунинг учун мамлакатимизда барча шароит яратилган.

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

## ТАДБИР

Самарқанд шаҳрида “Кексаларни эъзоллаш йили” Давлат дастури доирасида “Баркамол авлод тарбиясида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни” мавзуда семинар бўлиб ўтди.

## Ҳамжиҳатлик, тинчлик ва тараққиёт

Анжуманда миллий маданият марказлари фаолияти, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди. Тадбир доирасида ташкил этилган “Инсон азиз, Ватан муқаддас!” номли кўргазмада юртимизда истискомат қилаётган турли миллатларга хос урф-одат ва анъаналар ва дўстлик фотосуратлар ҳамда халқ амалии санъати намуналари намойиш қилинди.

Семинар давомида миллатларнинг дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг жамият тараққиётидаги ўрнига оид илмий ҳамда назарий таъминлаш ҳаётий воқеалар асосида таҳлил қилиниб, алгадги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

— Ўзбекистонга келганимга тўрт йил бўлди, — дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси, хитойлик Ма Цун Ли хоним. — Ана шу ўтган қисқа даврда меҳмондўстлик, меҳроқибат, самимият ва дўстлик халқингизга хос энг ноёб фазилатлар эканига амин бўлдим. Бундай бебаҳо эзгу тушунчаларни ёшлар онгига синдириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани эса диққатга сазовор.

Санъат усталари, миллий маданият марказлари бадийи жамоалари ва олий ўқув юртлари талабаларининг чиқишлари тадбирга ўзгача шухук бағишлади. Баргикенглик, мустақиллик ва она-Ватан тараннум этилган куй-қўшиқлар рақсларга уланди.

Тадбирда вилоят ҳокими З. Мирзаев сўзга чиқди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Атроф-муҳит муҳофазаси ва жамоатчилик назорати

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мамлакатимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили ҳаётга изчил таъбиқ этилаётти, — дейди депутат Ф. Қувватов. — Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофазат қилишга оид ташкилий-ҳуқуқий базани марамога етказиш, бу борада нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қатор қонунчилик ташаббуслари, жумладан, “Экологик назорат тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилингани бунинг тасдиғидир. Уларда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, кенг жамоатчиликнинг табиат ресурсларини асраш, улардан оқилона фойдаланиш, эл соғлигини мустаҳкамлаш, тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолиятини янада кучайтириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

— Республикаимизда барча йўналишдаги жамоат ташкилотлари, хусусан, экология ва табиёт жаҳасида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланапти, — дейди Қашқадарё вилоятидаги “Экосфера” нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари С. Мустафоев. — Биз фуқаролик жамияти институти сифатида парламент эшитувларида қатнашиш ва жа-

моатчилик эшитувларини ташкил этиш, жамоатчилик экологик мониторингини ва экспертизасини амалга ошириш, экологик рейдлар ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси назорат-таҳлил тадбирларида иштирок этиш имкониятларидан фойдаланаямиз. Пировардида тажрибаимиз янада бойиб, фаолиятимиз изчил такомиллаштириб бора-япти.

— Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда ижтимоий сўровлар ўтказишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда, — дейди Экоҳарақатнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими раҳбари А. Бегимова. — Шунингдек, “Ишонч телефонлари” имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилаётди. Бу каби усуллар қонунлар ва уларнинг бажарилиши механизми янада такомиллаштириш юзасидан тақлифларни ўрганиш, ҳудудлардаги экологик вазиятдан ўз вақтида хабардор бўлиш имконини беришда. Мазкур саъй-харақатлар натижа-лари ОАВда мунтазам ёри-

тиб борилаяпти. Бу эса юртимизда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини асраб-авайлашга қаратилган ислохотлар самаралари ҳақида жамоатчиликни ақиндан хабардор қилиш, уларнинг муносабатларини билиш, фуқароларнинг ижтимоий-экологик фаолигини оширишда айни муддао бўлмоқда. — Аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш давр талабига айланган, — деди педагог, Экоҳарақат фаоли Н. Бахриддинов. — Бу каби семинарларнинг мунтазам ўтказилиши ана шу нуктага назардан ҳам долзарбдир. Эътиборлиси, тадбирлар-

Республикамизнинг барча ҳудудда ўтказилган тадбирларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг соҳага доир қонун ҳужжатлари ҳамда давлат дастурлари рўёбидида ўзаро ҳамкорлиги, мазкур йўналишдаги ишларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Иқтисодий юксалишнинг муҳим омилidir

бир корхона — “Талимаржон ИЭС” унитар корхонасида эса мавжуд қувватлардан фойдаланиш коэффицентини 94,6 фоизга етказилиб, 357 миллиард сўмдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ортиқча сарф-харажат талаб қилаётган 1150 гектар экин майдони “Нуристон ризқ-насибаси” ҳамда “Яккабоғ мева” масъулияти чекланган жамиятлари тасарруфига ўтказилиши натижасида корхона жамоаси 27 миллиард сўмдан кўпроқ фойда олиш борабариди, бир қатор модернизациялаш тадбирларини ҳам амалга оширишга эришди.

Умуман, вилоятда “йўл харитаси” дастури қўлланилган “Иссиқлик манбаи”, “Сувоқова”, “Военторг-7” ва “Талимаржон ИЭС” корхоналари томонидан 360 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Уларнинг бундай муваффақиятга эришишида 62 миллион сўмдан

ортиқ асосий қарзининг тўлов муддати узайтирилиб, 6 миллион сўмдан ошироқ боқиманда тўловлари бекор қилингани айни муддао бўлди.

Вилоятда ҳозирги кунда ҳам дастурда белгиланган ишларни жадаллаштириш, мониторинг ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан кўзланган мақсад молиявий инқироз ёқасида турган хўжалик юртувчи субъектларнинг қаддини тиклаб, барқарор фаолият юртишига кўмаклашиш ва республикамиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



# «Сени куйлаймиз, замондош!»

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Сени куйлаймиз, замондош!» номли Ўзбекистон театрларининг республика кўрик-фестивали бошланди.

## ФЕСТИВАЛЬ



Ўзбек Миллий академик драма театрида «Сени куйлаймиз, замондош!» номли Ўзбекистон театрларининг республика кўрик-фестивали бошланди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Фестивалнинг очилишига бағишланган маросимда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий театр санъатини ривожлантириш, унинг халқимиз маънавий-маърифий ҳаётида тугган ўрнини кучайтириш, замонамиз қаҳрамонлари образини талқин қилиш, шулар орқали ёшларни комил

инсон этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. «Сени куйлаймиз, замондош!» республика танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам юрдошларимизда она-Ватанимизга нисбатан фахр, ифтихор туйғуларини янада оширишга хизмат қилувчи саҳна асарлари яратишни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

— Ушбу нуфузли анжуман республикамиздаги барча театр жамоаларини янада изланишга, янги спектакллар тақдим қилишга ундамоқда, — дейди «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бир-

лашмаси ходими, фестивал ҳайъати аъзоси Эсонбой Ҳринов. — Ўтган йиллар давомида танловда намоиш этилган кўплаб саҳна асарлари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Қолаверса, театр жамоалари ижодий сафарлари чоғида уларни кенг омма эътиборига ҳавола қилди.

Танловга тақдим этилган ўттиздан ортиқ саҳна асаридан ўн биттаси танлов олинди, пойтахтимиздаги театрлар саҳналарида кўйилмоқда. Шунингдек, фестиваль доирасида маҳорат сабоқлари, ижодий мулоқотлар, «Саҳнада — замондош образи» мавзусидаги илмий-амалий анжуман ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

«Сени куйлаймиз, замондош!» Ўзбекистон театрларининг республика кўрик-фестивалининг дастлабки куни Бухоро вилояти мусиқали драма театрининг «Бурч», Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрининг «Орол бобо», Ўзбек Миллий академик драма театрининг «Заминдан олис кетма» спектакллари намоиш қилинди.

Дилмурод СОДИҚОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# Спорт

Равшан Ҳайдаров:

## «Умид қиламизки, бу бизнинг охириги ғалабамиз эмас»

Очилини айтиш керак, вакилларимиз учун «Плей-офф» босқичига чиқиш осон бўлгани йўқ. Чунки дастлабки икки турдаги мағлубият жамоамиз имкониятини анча пасайтириб юборган эди. Жуда кўп мухлислар, ҳатто айрим футбол мутахассислари ҳам «Энди вазиятни ўнглаш мушкул, мундиаль биз учун даярли яқунланди», мазмунда фикрлар билдиришди. Лекин «миллионлар ўйини»нинг жозибаси, қизиқарлилиги ҳам шундаки, биргина ютқ кўп нарса ни ўзгартириб юбориши мумкин. Ана шунда умидсизлик ўрнини ишонч, тушқунлик ўрнини қувонч эгаллайди.

Дарҳақиқат, ушбу жаҳон чемпионати биз учун омадсиз бошланди. Ёшларимиз гуруҳ босқичидаги дастлабки ўйинда Гондурас жамоасига қарши майдонга тушиб, 3:4 ҳисобида имкониятни бой берди. Кейин-

ги ўйинда эса Германия вакиллари устунлик қилди — 0:3. Хар икки беллашувда ҳам футболчиларимизда жамоавий руҳ етишмагани, химояда йўл қўйилган қўпол хатолар, ҳужумни ташкил этишдаги камчиликлар мағлубиятларга асосий сабаблардан бири бўлди.

Муҳими, гуруҳ босқичининг сўнги турида терма жамоамиз аъзолари тушқунликка берилмай, кучли иродаларини намоиш этишди. Улар Фижи ёшларини яққол устунлик билан мағлубиятга учратишди. Шу куни рақиб жамоа дарвозасига киритилган голларга Элдор Шомуродов, Забиҳулло Ҳринов ва Миржамол Қосимов муаллифлик қилди. Германиялик футболчилар эса Гондурас терма жамоаси устидан йирик — 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Бу тўғрисида ғалаба қозонди. Бу тўғрисида ғалаба қозонди. Бу тўғрисида ғалаба қозонди.

гуруҳда иккинчи ўринни эгаллашгани таъминлади.

Фижига қарши кечган учрашувдан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Равшан Ҳайдаров куйидаги фикрларни билдирди: — Биз учун мазкур ўйиндаги ғалаба навбатдаги босқичга чиқиш учун сўнги имконият эди. Қийин вазиятдан муваффақият-ли ўта олдик. Бу жаҳон чемпионатидаги биринчи ғалабамиздир. Умид қиламизки, охириги-си ҳам эмас. «Плей-офф»да Австрия ёшлар терма жамоасига қарши ўйнаймиз. Улар Аргентина, Гана, Панама каби кучли жамоалар жой олган гуруҳдан нимчорак финал йўлланмасини қўлга киритишди. Биз Австрияга қарши беллашувда мухлисларимиз хурсанд бўлиши учун бор имкониятларимизни ишга соламиз.



### F гуруҳи

	Ў	F	Д	М	Т-Н	О
1 Германия	3	3	0	0	16-2	9
2 Ўзбекистон	3	1	0	2	6-7	3
3 Гондурас	3	1	0	2	5-11	3
4 Фижи	3	1	0	2	4-11	3

Ўзбекистон — Австрия ёшлар терма жамоалари ўртасидаги ўйин 11 июнь куни Вангарей шаҳрида, Тошкент вақти билан соат 09:00 бошланади.



## ЕнгиЛ атлетикачиларимиз муваффақияти

Хитойнинг Ухань шаҳрида енгиЛ атлетика бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон спортчилари ҳам голиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Жумладан, терма жамоамиз ҳисобига олтин медалларни Светлана Радзивиц (баландликка сакраш) ҳамда Екатерина Воронина (еттикураш) келтирди. Найза улоқтириш мусобақасида Бобур Шокиржонов кумуш медални қўлга киритган бўлса, 10 километрик масофага югуриш баҳсида Андрей Петров бронза медал билан тақдирланди.

## Ҳамюртимиз жаҳон чемпионати совриндори

Польшанинг Вроцлав шаҳрида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Адхам Эргашев кумуш медални қўлга киритди.

2014 йил Нанкин шаҳри (Хитой)да ўтказилган ўсмирлар Олимпиадасида бронза медал совриндори бўлган Адхам даст кўтаришда 124 кг., силтаб кўтаришда 151 кг. тошни ўзига бўйсундириб, иккинчи ўринни эгаллади.

Ш. ОРТИҚОВ тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

## Ҳурматли тадбиркорлар!



# «АСАКА» банки

«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси), «Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилаётганлигини билдиради.

### Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:

Лойиҳалар	Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбон маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, кенгайтириш ёки амалдаги ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш.
Қарздор	<p>«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар;</li> <li>Ўз маҳсулотлари ёки хизматларини Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил қилинган компанияларга сотувчи ёки Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олувчи компаниялар;</li> </ul> <p>«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Ўзбекистон Республикаси резидентлари — хусусий кичик корхона, қўшма корхона, акциядорлик жамиятлари.</li> </ul>
Кредит мақсади	<p>«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:</p> <p>Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ўрнатиш;</li> <li>стратегик инвестициялар.</li> </ul> <p>Корея Республикаси капитали қатнашмаган компаниялар учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Корея Республикаси капитали иштирокидаги компанияларга асбоб-ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш;</li> <li>Корея Республикаси капитали иштирокидаги компаниялардан асбоб-ускуналар ва хизматларни сотиб олиш.</li> </ul> <p>«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш ҳамда ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш.</li> </ul>

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар:  
(+99871) 120-81-77, 120-82-98,  
120-82-66, 120-82-29.

«Асака» банки — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

www.asakabank.com

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

## Qishloq Qurilish Bank

# Moody's INVESTORS SERVICE

халқаро рейтинг агентлиги

2015 йилнинг май ойида банк рейтингини қуйидагича тасдиқлади:

- контрагент рискинни баҳолаш — **B1/NP**
- узоқ муддатли миллий ва хорижий валютадаги банк депозитлари рейтингини — **B2/NP**

барча рейтинглар прогнози:

# «БАРҚАРОР»

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 150-39-93, 150-93-39.  
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

## Халқ сўзи

### Народное слово

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 118 971 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — У. Файzieва.  
Навбатчи — М. Холматова.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5